

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҲАСАНОВА БАРНО ЮСУПОВНА

АСҚАД МУХТОРНИНГ ҲИКОЯНАВИСЛИК МАҲОРАТИ

10.00.02 — Ўзбек адабиёти.

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Ҳасанова Барно Юсуповна Асқад Мухторнинг ҳикоянавислик маҳорати.....	3
Хасанова Барно Юсуповна Новеллистическое мастерство Аскада Мухтара.....	27
Hasanova Barno Yusupovna Novellism skills of Askad Mukhtar.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҲАСАНОВА БАРНО ЮСУПОВНА

АСҚАД МУХТОРНИНГ ҲИКОЯНАВИСЛИК МАҲОРАТИ

10.00.02 — Ўзбек адабиёти.

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4. PhD/Fil.455. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб саҳифасининг www.tai.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Назаров Бахтиёр Аминович**
академик, филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қосимов Абдуғопир Абдукаримович**
Филология фанлари доктори

Кучкарова Мархабо Худайбергановна
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот **Андижон Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-44-29; Fax: (+99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона ш, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Ҳакимов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,

М.Зокиров
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, ф.ф.н., доцент

А.Сабирдинов
илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё адабиётшунослигида мураккаб ва таҳликали тарихий-ижтимоий, сиёсий, адабий жараённи камраб олган XX аср адабиёти ва бу давр адабий вакиллари ижодини янги нуктаи назар билан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мафкуравий қарашлар ўзгарган дақиқадан бошлаб, бадиий асарга муносабат ҳам ўзгаради. Шу маънода XX асрда шаклланиб, ижод этган ҳамда икки тузумни кўрган, ўзларининг адабий маҳорат мактабини яратган катта ижодкорларнинг бадиий маҳоратини янги нигоҳ билан тадқиқ этиш адабиётшунослик тараққиётини юксалтиришга хизмат қилади.

Жаҳон адабиётшунослигида ҳикоя жанри, унинг дунё халқлари адабиётида пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланиш босқичлари ўзига хос назарий табиати турли аспектларда қаралган. Шу маънода, ҳикоянависларнинг ижодий тажрибалари, бадиий маҳорати, хусусан, образ, ғоя, замонавийлик, фольклор анъаналарининг ҳаётбахш таъсири, бадиий макон, фалсафий рамзийлик масаласини илмий асослаш, замонавий адабиётимиз, хусусан, бу даврдаги йирик адибларнинг бадиий меросини, ҳикоячилик маҳоратини, уларнинг сўз санъати тараққиётига қўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш каби йўналишларда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳам илмий-назарий аҳамиятга молик.

Истиклол даври яратган ижодий эркинлик шабадалари шўро даври ҳамда мустақиллик даври бадиий дурдоналарига янгича, соғлом нигоҳ билан қараш, талқин ва таҳлил этиш имконларини очди. Бинобарин, “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор”¹, – деган сўзлар замирида том маънода кишилик жамиятида адабиёт ва санъатнинг беқиёс ўрни, аҳамияти борлиги ифодаланган. Ҳолбуки, XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида муҳим ўрин тутган Асқад Мухтор каби сўз санъаткорларининг ижодий лабораториясини, хусусан, уларнинг ҳикоя жанридаги маҳорат сирларини етарли даражада очиб бериш ҳам кутилган ишлардан биридир. Зеро, Асқад Мухтор ўз ҳикояларида салафлари А.Қодирий, Чўлпон, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғуллом ижодий анъаналари билан биргаликда халқ оғзаки ижодининг ҳаётбахш излари, шунингдек, жаҳон ҳикоячилигининг етук ижодий тажрибаларини изчил давом эттирди, жанрнинг беқиёс имкониятларини кўрсата олди. Шунинг учун Асқад Мухторнинг ўзига хос ҳикоянавислик маҳоратини ўрганиш ва ўргатиш ишлари тадқиқот мавзусининг заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – 2017 йил, 4 август.

сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида ҳикоя жанри ва унинг назарий асослари, ёзувчи маҳорати масалалари М.М.Бахтин, В.Белинский, А.Н.Веселовский, В.В.Виноградов, Л.Тимофеев, М.Б.Храпченко, Н.Д.Тамарченко, В.Е.Хализев, А.Б.Есин каби хорижлик олимларнинг тадқиқотларида махсус ўрганилган².

Ўзбек адабиётшунослигида ҳикоя жанри, ёзувчининг бадиий маҳорати, услуб, миллий характер, конфликт, мавзу, ғоя, образ, бадиий деталь каби турфа масалалар М.Қўшжонов, А.Алимуҳаммедов, С.Мамажонов, Н.Владимирова, Н.Каримов, С.Мирвалиев, У.Норматов, Й.Солижонов, Б.Назаров, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Болтабоев, Қ.Йўлдошев, Д.Қурононов, С.Умиров, Ч.Ниятов, Х.Дўстмуҳаммедов, Ш.Дониёрова, Г.Сатторова, С.Комилова, Ш.Одилов, М.Қўчқорова, П.Кенжаева, С.Матякубов, Ш.Сопиеваларнинг монография, диссертацион ишлари ва мақолаларида атрофлича ёритилган³.

² Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 502; Белинский В.Г. Собрание сочинений. Т. 3. – М., 1978. – С. 271; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – С. 406; Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М.: Высшая школа, 1971. – С. 118; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Писатель, 1975. – С. 407; Храпченко М.Б. Познание о литературе и искусстве. – М.: Наука, 1987. – С. 575; Тамарченко Н.Д. Теория литературы // Роды и жанры. – М.: ИМТИ РАН, 2003. – С. 288; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – С. 397; Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. – М.: Флинта-Наука, 2002. – 248 с.

³ Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. – Т.: Ўздабийнашр, 1962. – 201 б; Алимуҳаммедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида инсон образи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1948. – 151 б.; Владимирова Н.В. Ўзбек ҳикояларида ғоя ва образ. – Тошкент: Фан, 1969. – 136 б.; Владимирова Н. Развитие жанра рассказа в узбекской литературе: Дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1985. – 340 с; Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти таракқиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафқураси: филол фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 43 б; Мамажонов С. Услуб жилолари. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1992. – 219 б; Мирвалиев С. Наср, давр, қахрамон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 240 б; Норматов У. Основание тенденции развития современного рассказа (1956-1961): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1963; Норматов У. Насримиз уфқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 215 б; Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 112 б; Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – 228 б; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 224 б; Назаров Б., Раҳимжонов Н. Ўзбек совет ҳикоячилигининг жанр хусусиятлари / Адабий тур ва жанрлар. 3 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 29–108 б; Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб: услуб муаммосига назарий нигоҳ ва ҳозирги ўзбек насрида услубий изланишлар. – Тошкент: Фан, 1992. – 105 б; Йўлдошев Қ. Ўзбек совет сатирик ҳикоячилигида характер тасвири эволюцияси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1985. – 164 б; Қурононов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 288 б. Умиров С. Санъатнинг сеҳрли калити. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 99 б; Ниятов Ч. Ҳозирги ўзбек прозасида характер проблемаси. – Тошкент: Фан, 1984. – 128 б; Дўстмуҳаммедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши. (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг

Бевосита Асқад Мухторнинг ижодий мероси, хусусан, роман, қисса, ҳикоялари, бадиий публицистикаси, шеърляти эса С.Мамажонов, М.Қўшжонов, М.Шайхзода, О.Тоғаев, Н.Владимилова, М.Султонова, О.Шарафиддинов, Н.Худойберганов, У.Норматов, А.Расулов, Н.Раҳимжонов, П.Шермухаммедов, Б.Сайимов, А.Пантиелев, У.Носиров, Т.Ҳамидов, С.Ширинов, И.Ҳасанов, М.Бобоев, М.Герман, М.Иброҳимов, З.Кедрина, А.Маъруфов, Т.Собиров, О.Собиров, Ҳ.Ёқубов, Й.Солижонов, Б.Ғуломов, Ф.Насриддинов, Н.Раҳмат, Б.Акрамов, А.Сабирдинов, У.Ҳамдамов, Т.Шермуродов, А.Эргашев, С.Мўминова, О.Жўрабоев, М.Қўчқороваларнинг диссертация, монография ва мақолаларида тадқиқ этилган⁴.

аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 136 б; Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1999. – 130 б; Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси: Филол. фан. номз. ... дисс... – Тошкент, 2002. – 136 б; Комилова С. XX аср охири – XXI аср бошлари рус ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри поэтикасининг ривож: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 92 б; Одилов Ш. Кейинги йиллар ўзбек ҳикояларида замондошимиз образи (70-80-йиллар): Филол. фан. номз ... дисс. – Тошкент, 1989. – 161 б; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. (Эссе, қисса, ҳикоя: тадқиқ ва талқин). – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 232 б; Қўчқорова М. “Ўтмишдан эртақлар” тадқиқи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 144 б; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 23 б; Матякубов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б; Сопиева Ш. Хайридин Султоннинг ҳикоянавислик маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 147 б.

⁴ Мамажонов С. “Ҳаётга қақирик” ҳикоялар тўплами ҳақида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1956. – №10. – Б. 114-117; Қўшжонов М. Конфликт ва маҳорат // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1962. – №3; Қўшжонов М. “Опа-сингиллар” романи ҳақида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1956. – №5; Шайхзода М. Оғир йўлларнинг тўғри киссаси (“Опа-сингиллар” ҳақида) // Қизил Ўзбекистон. – 1958, 20 апрель; Тоғаев О. Асқад Мухтор (адабий портрет). – Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 148 б; Тоғаев О. Адиблар ва жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б.303-351. Владиминова Н., Султонова М. Қаҳрамоннинг шаклланиши (А.Мухтор ва Ҳ.Ғулом прозаси материали асосида). – Тошкент: Фан, 1965. – 121 б; Шарафиддинов О. Ижоднинг катта йўлида / Истеъдод жилolari. – Тошкент, 1976. – Б. 155-182; Шарафиддинов О. Асқад Мухтор / XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б. 363-378; Худойберганов Н. Кашфиётлар йўлида. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 71-119; Худойберганов Н. Чўққилар чорлайди. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 111-116; Худойберганов Н. Сўз курашга чорлайди. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б. 222-228; Норматов У. Ҳаёт ва адабиётдаги янгиликлар // Ўзбекистон маданияти. – 1961 йил, 11 октябрь; Норматов У. Ёзувчи фалсафаси ва маҳорат // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1965. – №2; Норматов У. Қалбларга йўл топиб... // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1965. – №5; Расулов А. Танқидчилик уфқлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, - 1985. – Б. 13-135; Шу муаллиф. Янги замон, янги қаҳрамон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 3-64; Шу муаллиф. Ўзбек совет прозасининг камоли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 21-72; Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2003. – 72 б; Шермухаммедов П., Бегимқулов Д. Асқад Мухтор 60 ёшда. – Тошкент: Ёш гвардия, 1980. – 12 б; Сайимов Б. Асқад Мухтор прозаси. – Тошкент: Фан, 1969. – 198 б; Сайимов Асқад Мухтор / Ўзбек совет адабиёти тарихи. Кўп томлик. III том. – Тошкент, 1972. – Б. 252-285; Сайимов Б. “Туғилиш” романи / “Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари” 3-китоб. – Тошкент, 1961. – Б. 15; Пантиелев А. Материал ва бўёқлар. Ёзувчи Асқад Мухторга хатлар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1952. – №8; Насиров У. Язык и стиль романа Аскада Мухтара «Сестры»: Дисс. ... канд.филол. наук. – Самарканд, 1967; Хамидов Т. Поэтические мастерство Аскада Мухтара: Дисс. ... канд.филол. наук. – Бухара, 1969; Эргашев А. С. Ривоят ва унинг бадиий асар сюжет композицион тузилишидаги поэтик ўрни (Асқад Мухторнинг “Чинор” ва О.Ёқубовнинг “Кўхна дунё” романлари асосида): Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Самарканд, 1993; Ширинов С. Образное изображение и индивидуальные стиль (по романам А.Мухтара) канд.филол. наук. – С.: 1974; Ҳасанов И.А. Реалистическое и романтическое в поэтике романов Аскада Мухтара: Дисс. ... канд.филол. наук. – Самарканд, 1985. – 171 с; Бобоев М. “Пўлат қуёвчи” поэмаси ҳақида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1948. – №3; Герман М. Ўзбек ёзувчиларининг асарлари чет тилларда // Ўзбекистон маданияти. – 1961 йил, 29 декабрь; Иброҳимов М. “Туғилиш” // Ёш ленинчи. – 1961 йил, 17 август; Маъруфов А. “Опа-сингиллар” романи тили ҳақида // Ёш ленинчи. – 1956. – №8; Собиров Т. Илҳомбахш ҳаёт ҳақида қисса //

Бироқ шу пайтга қадар Асқад Мухторнинг ҳикоянавислик маҳорати монографик тарзда ишланмаган. Адибнинг ҳикоянавислик маҳоратини монографик тарзда ўрганиш XX аср ўзбек ҳикоячилиги тарихини янада мукамалроқ ва батафсил тасаввур этиш имкониятини яратади. Зеро, Асқад Мухтор ўзбек ҳикоячилиги тараққиётида алоҳида адабий мактаб яратган устоз ижодкорлардан саналади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Адабиёт назарияси ва адабий алоқалар бўлими лойиҳаси ҳамда Қўқон Давлат педагогика институти илмий-тадқиқот режасининг “Ўзбек адабиётида комил инсон муаммоси” йўналишида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади Асқад Мухторнинг ҳикоянавислик маҳоратини кўрсатиб бериш, жами 40 га яқин асарлари мисолида муаллифнинг ўзига хос, оригинал услубини адабиётшуносликдаги янгича қарашлар, янги илмий мезонлар асосида белгилаш, замонавийлик, фольклор анъаналари, бадиий макон, фалсафий рамзийликнинг намоён бўлиш жиҳатларини ёритишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

30-йиллар адабий авлодидан бўлган Асқад Мухторнинг янги ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни ва бадиий мероси, хусусан, ҳикояларига хос индивидуал хусусиятларини ўрганиб, ўзбек ҳикоячилиги тарихига доир назарий умумлашма фикрлар чиқариш;

адибнинг илк ижодий изланишлар даврида яратилган ҳикояларининг заиф жиҳатларини аниқлаб, уларни асослаш;

адиб ҳикояларини тизимли равишда ўрганиб, янги ўзбек ҳикоячилигида Асқад Мухторнинг ўзига хос ўрнини белгилаш;

адиб ҳикояларига хос замонавийлик, бадиий макон (тоғ, палата, ер ости, бекатдаги уй) масалаларига доир муҳим хусусиятларни аниқлаш;

ёзувчининг фольклор анъаналаридан (мумтоз ва замонавий фольклоризм; оддий ва мураккаб фольклоризм; услубий-нутқий, ижтимоий-этнографик фольклоризм) фойдаланиш маҳоратини кўрсатиш;

Қизил Ўзбекистон. – 1950 йил, 30 август; Собиров О. Металлурглр ҳақида повесть // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1956. – №12; Насриддинов Ф. “Қорақалпоқ киссаси” // Қизил Ўзбекистон. – 1958 йил, 5 декабрь; Насриддинов Ф. Ҳаёт ва ижобий қаҳрамон // Ўзбекистон маданияти. – 1964 йил, 5 декабрь; Ёкубов Х. Самарали ижодий изланиш // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1970. – №9; Солижонов Й. Адабиёт сўзи /Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2009. – Б.129-131; Ғуломов Б. Бўронларда чиниққан дўстлик (“Қорақалпоқ киссаси” ҳақида) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1960. – №7; Ғуломов Б. Қаҳрамон ва конфликт // Ўзбекистон маданияти. – 1964 йил, 19 декабрь; Раҳмат Н. Асқад Мухтор дедилар. – Тошкент: Чўлпон, 2003. – 32 б; Акрамов Б. Азал ва абадият образлари /Оламнинг бутулиги. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б. 101-141; Ҳамдам У. Асқад Мухтор шеърятига чизгилар / Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 125-137 б; Шермуродов Т. Ҳикоялар,ниҳоялар.../ Жозиб изҳор излаб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2009. – Б. 87-96; Сабирдинов А. Фалсафий ҳақиқатлар тажассуми /Маънавият ва маърифат чашмалари. – Тошкент: “Академнашр”, 2016. – Б. 24-32; Мўминова С. Асқад Мухторнинг фалсафий-интеллектуал лирикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 140 б; Жўрабоев О. Рухият қаҳрамонлари // Ёшлик. – Тошкент, 2003. – №5-6. – Б. 38–39; Қўчқорова М. Мархабо Қўчқорова мутолаа қилади. Асқад Мухтор. Шеър шоир виждони. // Тафаккур. 2013. №2. – Б. 76-81.

Асқад Мухтор ҳикояларига хос бадиий фалсафий рамзларни (Еттовлон ер ковловчи, Ҳоким Тўраевич, бир томонлама телефон; Қари тут; мачит мезана, “Жигули”; туш, арвоҳ) ўрганиш, уларга хос муҳим бадиий хусусиятларни ойдинлаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида Асқад Мухторнинг “Пўлат шаҳри” (1950), “Ҳаётга чақирик” (1956), “Танланган асарлар. 4 томлик.” 3-жилд (1973), “Хонимнинг туғилган кунлари” (1974), “Илдизлар” (1984), “Инсонга қуллуқ қиладурмен” (1994), “Дунё болалари” (1990), “Чодирхаёл” (2015) каби ҳикоялар тўплами танланди. Шунингдек, Асқад Мухторнинг қолган жилдликлари ва бадиий асарлар тўпламлари қиёсий таҳлил учун жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети янги ўзбек адабиётининг таниқли вакили Асқад Мухторнинг ижоди, хусусан, унинг ҳикоянавислик фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида аналитик, қиёсий-типологик, герменевтик, текстологик, қиёсий-тарихий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги ўзбек адабиёти тараққиётида муҳим ўрин тутган Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодининг бетакрорлиги, серқирралилиги, турли авлод адабий танқидчилиги томонидан мунтазам баҳоланиб келингани исботланган;

ижодкорнинг ўзбек ҳикоячилигидаги бадиий тажрибалари илк ижодий изланишлар даври, шаклланиш ва такомиллашув даври, камолот даврига ажратилиб, бу даврларга хос муҳим ижодий ўсиш-ўзгаришлар (эволюцияси) аниқланган;

адиб ҳикояларидаги шўровий сиёсийлашган одам образининг истиқлол арафасида ва ундан сўнг эврилган қиёфаси (мустақил фикрлай олмайдиган, мутеъ ёки исломий эътиқоди бутун, жамиятдаги иллатларга қарши Дон Кихот сифат) бадиий талқинларда асосланган;

ёзувчи ҳикояларидаги тарғибот-ташвиқотчилик, қуруқ баён, схематизм ўрнини теран бадиий психологик талқинлар эгаллагани далилланган;

адибнинг етук ҳикояларига хос тарихийлик, фалсафий рамзийлик табиати, жамиятга нисбатан ним истехзо, сезилар-сезилмас киноя, танқидий рух, мемуар элементлар етакчилиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Асқад Мухторнинг ҳикоянавислик маҳоратига хос муҳим ижобий хусусиятлар аниқланиб, янги ўзбек ҳикоячилиги тараққиётида ёзувчининг ўзига хос адабий мактаб яратганлиги асосланган;

Асқад Мухтор ҳикоялари илк бор тизимли равишда ўрганилиб, ёзувчининг давр ва қаҳрамонга муносабати тарихий нуқтаи назардан баҳоланган;

Адибнинг ўзбек ҳикоячилиги тарихида тутган алоҳида ўрни, оригинал бадиий изланишлари аналитик таҳлиллар мисолида ойдинлаштирилган;

Асқад Мухтор ҳикояларининг миллий тафаккуримиз тараққиётидаги ҳиссасини ўрганиш, ёш авлод тарбиясида, жумладан, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик такомиллашувида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган;

Адиб ҳикоячилигини тадқиқ этиш орқали чиқарилган илмий-назарий хулосалар келгусида ўзбек ҳикоячилиги тараққиёти, шунингдек, Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодини ўрганиш йўналишида олиб бориладиган тадқиқотларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг аналитик, қиёсий-типологик, қиёсий-текстологик, герменевтик таҳлил каби усуллар орқали асослангани, ишончли назарий манбалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, янги ўзбек адабиёти тараққиётида романлари, қисса, ҳикоя, шеър ва дostonлари, пьесалари, таржима ва бадиий публицистикаси билан катта ўрин эгаллаган серкирра ижодкор Асқад Мухторнинг ҳикоячиликдаги бадиий тажрибаларини ўрганиш асносида чиқарилган назарий хулосалар ўзбек ҳикоячилик тарихини ёритишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда Асқад Мухторнинг ҳикоянавислик маҳоратига доир илгари сурилган хулосалардан олий ўқув юртлари ва ўрта-маҳсус касб-хунар коллежлари учун ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи, ҳозирги адабий жараёнга оид яратиладиган дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи, ҳозирги адабий жараён ҳамда Асқад Мухторнинг ҳикоянавислик маҳоратини тадқиқ этиш, “Асқад Мухтор” адабий-ижодий портретини яратишда, миллий адабиёт назариясини, хусусан, “ҳикоя жанри” тараққиётини ўрганишда тарихий-бадиий, илмий-назарий асосларни ишлаб чиқиш, илмий-амалий натижаларни белгилаш асосида:

Асқад Мухторнинг “Қодирийни кўрганману” номли эссе ҳикояси таҳлилидан, Асқад Мухторнинг Абдулла Қодирий шахсиятини ўрганишда публицистик суҳбат ва мақолалари таҳлилидан ФА-Ф1-ГО39 шифрли "Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий комусларини яратиш" фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 14 августдаги 3/1255-2165-сон маълумотномаси). Натижада комусга ёзилган материаллар яъни, Қодирий шахсияти, фаолиятига доир маълумотлар тўлдирилди, замондошлар хотираси мазмунан бойитилди;

Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 31 март, 1 апрель кунлари эфирга узатилган “Адабий муҳит” кўрсатувларини сценарийсини тайёрлашда диссертация натижаларидан фойдаланилган (Фарғона телерадиокомпаниясининг 2018 йил 9 апрелдаги 21-сон маълумотномаси). Натижада Асқад Мухтор ижодининг маънавий-маърифий, ижтимоий-эстетик аҳамиятини батафсил ёритилишига асос бўлган;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ташкил этган маънавий-маърифий тадбирларда, хусусан, Асқад Мухтор юбилейи муносабати билан ўтказилган тадбирда диссертация натижалари акс этган маърузалар тингланган. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят

бўлимнинг 2018 йил 6 сентябрдаги 64-сон маълумотномаси). Натижада янги ўзбек адабиёти тараққиётида муҳим ўрин тутган Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодининг бетакрорлиги, ҳикоячиликдаги маҳорати борасидаги янгиликларни омма эътиборига етказишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 10 та республика ва 2 та халқаро конференцияларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 1 та рисола, 1 монография, 25 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 135 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Янги ўзбек адабиёти тараққиётида Асқад Мухтор ижодий мероси ва илк ҳикоялар"** деб номланувчи биринчи бобнинг биринчи фасли ўзбек адабиётшунослигида Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодининг ўрганилишига бағишланган. Асқад Мухторнинг ҳар бир ёзган шеъри, романи, қиссаси, ҳикоя ва драмалари адабиётшунос олимларни ўзига жалб этди. Жумладан, М.Қўшжонов, С.Мамажанов, О.Тоғаев, Н.Худойбергандов, У.Норматов, И.Ғафуров, М.Султонова, Б.Сайимов, С.Мирвалиев, М.Бобоев, М.Герман, М.Иброҳимов, И.Камолов, З.Кедрина, С.Мирзаев, А.Маъруфов, Ч.Ниятов, Т.Собиров, О.Собиров, Б.Файзиев, М.Шипова, Ш.Юсупов, Б.Ғуломов, Ф.Насриддинов, А.Пантиелев, Ш.Рашидов, Ҳ.Ёкубов, У.Носиров, Т.Ҳамидов, С.Назруллаева, И.Ҳасанов, С.Ширинов каби машҳур олимлар ва тадқиқотчиларнинг монография, мақола, тақриз, юбилей мақола, очиқ хатларида Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодининг қай бир жиҳати ўрганилиб, турли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Адиб ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган тадқиқотчилар ишини шартли равишда иккига бўлиб ўрганилди:

- 1) Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодининг шўро даврида ўрганилиши;
- 2) Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодининг истиқлол даврида тадқиқ этилиши.

Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодини илк бор монографик тарзда ўрганган

олим Очил Тоғаев “Асқад Мухтор романларида конфликт ва характерлар” номли номзодлик диссертациясида “Опа-сингиллар”, “Туғилиш” романларини асосий манба сифатида ўрганади ⁵. Асқад Мухтор тадқиқотчиларидан яна бири Босим Сайимов ҳисобланади. Унинг “Асқад Мухтор маҳорати (сюжет ва композиция)” мавзусидаги номзодлик диссертацияси, “Асқад Мухтор прозаси” номли монографияси шундай ишлар сирасига киради ⁶. Б.Сайимов ўзининг Асқад Мухтор бадиий маҳоратини тадқиқ этишга бағишланган ишларида ҳаётий материал ва сюжет, сюжет ва характер, образлар системаси ва композиция, сюжет ва конфликт, ғоя ва сюжет қурилиши масалаларини адибнинг кичик асарлари (ҳикоя, очерклар) ва роман, қиссалари асосида ўрганади. У.Носиров, Т.Ҳамидов, И.Ҳасанов, С.Ширинов, М.Султоноваларнинг диссертация ва монографик изланишлари ҳам шўро даври ўзбек адабиётшунослигида яратилган муҳим ишлардан саналади. Жумладан, тадқиқотчи У.Носиров “Асқад Мухторнинг “Опа-сингиллар” романи услуби ва тили” номли номзодлик диссертациясини ёзган бўлса, Т.Ҳамидов “Асқад Мухторнинг поэтик маҳорати” мавзусидаги диссертациясини яратди ⁷. М.Султонова (ҳаммуаллиф Н.Владимирова) “Қаҳрамоннинг шаклланиши” монографиясида Асқад Мухтор шеърляти, “Пўлат қуювчи”, “Катта йўлда” поэмалари, сўнгра “Опа-сингиллар” (Онахон образи), “Қорақалпоқ қиссаси” (Жапак образи), “Туғилиш” (Жуман образи) каби асарларини жиддий таҳлил этган ⁸. Олима Асқад Мухтор ижодига алоҳида эътибор билан қараган, хусусан, бу унинг қатор тизимли мақолаларида ҳам қузатилади ⁹.

М.Қўшжонов, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, И.Ғафуров, Н.Худойберганов каби машҳур адабиётшунослар ҳам Асқад Мухтор ҳаёти ва ижоди бўйича адабий портрет, танқидий, таҳлилий мақола ва тақризлар эълон этишган. Масалан, Озод Шарафиддинов “Ижоднинг катта йўлида” номли мақоласида Асқад Мухтор ижодининг муҳим хусусиятларидан бири бўлган замонавийлик ва ёзувчи маҳорати масалаларини таҳлил этган ¹⁰.

С.Мамажонов “Ҳаётга чақирик” ҳикоялар тўплами ҳақида жиддий танқидий чиқиш қилади. Хусусан, мақолада А.Мухторнинг илк ижодий изланишлар даврида яратилган ҳикоялари “Оксана”, “Доғ”, “Ҳаётга чақирик”, “Жанжалкаш”, “Хайри”, “Қанот жуфт бўлади” каби асарларга хос

⁵ Тоғаев О. Асқад Мухтор романларида конфликт ва характерлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1962. – 264 б.

⁶ Сайимов Б. Асқад Мухтор маҳорати (сюжет ва композиция): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1966. – 327 б; Сайимов Б. Асқад Мухтор прозаси. – Тошкент: Фан, 1969. – 198 б.

⁷ Носиров У. Язык и стиль романа Аскада Мухтара “Сестры”: Дисс. ... канд филол. наук. – Самарканд, 1967; Ҳамидов Т.Х. Поэтическое мастерство Аскада Мухтара.: Дисс. ... канд филол. наук. – Бухара, 1969;

⁸ Султонова М., Владимирова Н. Қаҳрамоннинг шаклланиши. – Тошкент: Фан, 1965. – 121 бет.

⁹ Султонова М. Бу китобни ўқинг (А.Мухторнинг “Опа-сингиллар” романи ҳақида) // Ўзбекистон хотин-қизлари. – Тошкент, 1956. – №2; Шу муаллиф. Ўзбек аёллари ҳақида (“Опа-сингиллар” романи ҳақида) // Тошкент ҳақиқати. – 1956 йил, 7 август; Шу муаллиф. А.Мухторнинг “Опа-сингиллар” романига сўнгсўз. Москвада нашр этилган таржима вариант (Ҳаммуалиф М.Протолова).

¹⁰ Шарафиддинов О. Ижоднинг катта йўлида / Истеъдод жиллолари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 153-182.

заиф хусусиятлар таҳлил этиб берилган¹¹. Мана шундай илмий тадқиқотлар, табиийки, истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида ҳам бардавом бўлди. Хусусан, А.Расулов, Н.Раҳимжонов, Ё.Солижонов, А.Сабирдинов, Т.Шермуродов, У.Ҳамдамов, С.Мўминова, А.Эргашев, М.Жўраева, Б.Фазлиддинларнинг монография, диссертация ва мақолаларида бу иш ўз аксини топди. Х.Дўстмуҳаммад, С.Матякубов, Ш.Сопиева, П.Кенжаева каби олимларнинг диссертацион ишларида ҳам Асқад Мухторнинг қатор ҳикоялари, масалан, “Чодирхаёл”, “Фано ва бақо”, “Жинни” ҳикоялари таҳлилга тортилган¹². “Асқад Мухтор замондошлари хотирасида” китобининг яратилиши адиб ҳаёти ва ижодига, унинг одамийлик ва адиблик шахсиятига чизгилар бериши билан ниҳоятда қимматли тўплам бўлди¹³. Мазкур хотира китобга йигирмадан зиёд муаллифларнинг ажойиб хотира-мақолалари жамланган. Хуллас, мазкур фаслда Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихига қисқа экскурс қилинган.

Бобнинг иккинчи фасли **“Илк ҳикоялари бадиияти: ютуқлар ва камчиликлар”**да Асқад Мухторнинг ижодий йўли шартли равишда босқичларга бўлиб ўрганилди. 1-босқич. Ижодий изланишлар даври – XX асрнинг 50-60 йиллари; 2-босқич. Шаклланиш ва такомиллашув даври – XX асрнинг 70-80-йиллари; 3-босқич. Камолот даври – XX асрнинг 90- йиллари.

Адибнинг 1950–1960-йилларда яратилган дастлабки ҳикоялари - “Куртак”, “Жанжалкаш”, “Қанот жуфт бўлади” каби асарларида завод ва фабрика ишчилари, тўғрироғи, саноат ишчилари образи акс эттирилган.

Асқад Мухторнинг “Куртак” номли ҳикояси XX асрнинг 50-йиллари маҳсулидир. Асар муаллифнинг саноат мавзусида яратган дастлабки ҳикояларидан саналади. Бироқ унда муаллифнинг бадиий нияти етарли даражада очиб берилмаган. Гарчи ёзувчи Рустам образи мисолида ана шу бўшлиқни тўлдирмоқчи бўлса-да, маҳорат борасидаги тажрибасизлик ва ҳукмрон тенденциялар таъсирида ҳикоя ва ҳикояга асос бўлган воқеа ҳам, қаҳрамон ҳам жонли чиқмаган. Шунингдек, ҳикояда пухта сюжет етишмаслиги, кескин конфликтнинг оқсаши ҳамда воқеалар ривожидида кучли драматизм йўқлиги унинг эътибор қозонишига монелик қилган. Қолаверса, ҳикояда қаҳрамонлар дунёқараши ва хатти-ҳаракатини тасвирлашда ёзувчи чуқур психологик тасвирлардан фойдалана олмаган. Аксинча, ҳикоя матнида публицистикага, тарғибот-ташвиқотчиликка хос ахборот, баён етакчилик қилади. Ҳикоянинг “Куртак” деб номланишида рамзий маъно бор. Назаримизда, ёзувчи ҳикоя сарлавҳасига жуда яхши рамзий-бадиий маъно юклаган. Ҳикоя қаҳрамони Рустам Инженер томонидан “ишчи синфининг

¹¹ Мамажонов С. “Ҳаётга қақирқ” ҳикоялар тўплами ҳақида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1956. – №10. – Б. 114–117.

¹² Дўстмуҳаммедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1995; Матякубов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б; Сапиева Ш. Хайридин Султоннинг ҳикоянавислик маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. 147 б; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008.

¹³ Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. – Тошкент: Маънавият, 2003.

янги насли”, “келажак ишчисининг куртаги” деб таърифланади. Аммо ҳикояда бадиий композицион бутунлик етишмайди. Воқеалар ва қаҳрамонлар ўртасида жипслик, ўзаро бадиий-мантиқий боғланиш йўқ. Жумладан, ҳикоя экспозициясида иштирок этган Кимсан Додабоев (Илҳомий), Фозил-гармон образлари асар ярмидан бошлаб ҳикоя матнидан тушиб қолади. Ёзувчи бу образларни ҳикояга нима мақсадда киритгани, улар қандай бадиий вазифани адо этиши кераклиги ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаган. Ёзувчининг тажрибасизлиги туфайли “Куртак” ҳикоясига киритилган ҳар бир образнинг ўрни, бадиий вазифаси аниқ ва мустаҳкам эмас. Рустам бир оёғи чўлоқ Лиза исмли рус қизини севиб қолади. “Янги авлод насли” - Рустам ҳеч иккиланмай оёғи чўлоқ Лизага уйланишга ҳам бирдан рози бўлади. Унинг Лизага бўлган муҳаббати, Рустамнинг онасини ҳам ногирон келинга ҳеч бир қаршиликсиз рози бўлиб қўя қолиши каби сахналар бу ҳикоянинг “конфликтсизлик назарияси” асосида ёзилганини кўрсатади. Шунингдек, ҳикояда Рустам Лизани вальсга таклиф қилиб, қиз билан илк бор танишади. Эътибор берайлик, ҳикояда вальс майдони тасвирланар экан, бундай ҳаётини лавҳалар аслида ўзбек менталитетига ёт лавҳа экани ҳаёлга келади. Тўғри, совет ҳукумати Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, табиийки, улар ўзларининг маданиятини, фанини, урф-одатларини ҳам ерлик аҳолига тарғиб этди. Асқад Мухтор XX асрнинг 50-60-йиларидаги руслашган аҳолининг маиший ҳаётидан бир лавҳани ҳикояга муҳраб кетган. Аслида, аёллар билан эркакларнинг вальс тушиши ўзбек халқида мутлақо ёт бўлган маданиятдир.

XX асрнинг 50-йилларида ёзилган “Оксана”, “Қанот жуфт бўлади” ҳикояларида психологик тасвирлар анча чуқурлашганини кузатиш мумкин. Б.Сайимов “Оксана” ҳикоясига анча юқори баҳо берган. “Оксана” ҳикояси қаҳрамонлари ҳаёти ва тақдирини кўздан кечирадиган бўлсак, Оксананинг севгилисига (Грицько) уруш майдонида ҳалок бўлган. У Ўзбекистонга келиб, фронт ортида туриб меҳнат қилади. Анорхон турмуш ўртоғини урушга кузатиб, фарзандлик бўлади. Афсуски, ёш она вафот этади. Урушдан таътил олиб, оиласини кўришга келган жангчи Салимжон бу шум хабарни қариядан эшитади. Дунё унинг кўзига қоронғи кўриниб кетади. Ҳовлисига келгач, саранжом-сарини ҳовлини, Оксана ва ўғли Қудратни кўриб, ҳаётга қайтгандек бўлади. Тўғри, ҳикояда ёзувчининг айтмоқчи бўлган гапи бор. Аммо айрим ўринларда ишонарсиз, сунъий тасвирлар борки, ҳикоядаги бундай камчиликлар китобхонга сезилади. “Оксана” ҳикоясида ҳам “Куртак”, “Жанжалкаш” ҳикояларига хос камчиликлар кўзга ташланади. Жумладан, Анорхоннинг бевақт ўлими етарли даражада асосланмаган. Анорхон нимага бирдан ўлиб қолди? Уни ўлдиришдан мақсад нима эди? Украин миллатидан бўлган Оксананинг меҳридарё, инсонпарвар, ватанпарвар, оилапарвар, болапарвар эканини кўрсатиш эдимиз? Анорхонни ўлдирмасдан ҳам Оксанани шўро мафкураси талабидаги идеал образ сифатида тасвирлаш мумкин эди-ку! Аммо кўрсатилган камчиликларга қарамасдан, “Оксана” ҳикоясида ёзувчининг бадиий маҳорати анча ўсганлигини эътироф этиш адолатдан саналади. Чунки ҳикояда ҳаётнинг мураккаб қирралари, инсон

рухиятининг нозик рухий жараёнларини бадий тафтиш этишга уриниш сезилади.

“Қанот жуфт бўлади” ҳикоясида эса Саодатнинг ўз турмуш ўртоғи Жалилни Меҳри Зокировнадан рашк қилиши анча батафсил, ишонарли асосланган. Аммо шунга қарамасдан, Саодатнинг фабрикага ишга қайтиб, яъни жамоага қўшилиб, бирдан нотик, расмий гапларни қойиллатиб гапира олувчи жамоатчи шахсга айланиб қолиши анча ишонарсиз, сунъий чиққан.

Асқад Мухторнинг илк ижодий изланишлар даврида ёзилган “Қанот жуфт бўлади”, “Куртак”, “Жанжалкаш”, “Оксана” ҳикояларида қаҳрамонлар муаллиф измидан чиқа олмайди. Нима учун? – деган ҳақли савол туғилади. Сабаби Асқад Мухтор ўз қаҳрамонларини ва воқеаларни атайлаб совет мафқурасига мослаштиради. Айтиш мумкинки, бу даврда яратилган кўпчилик ҳикоялари ижтимоий буюртма сифатида дунёга келган. Шунингдек, уларда чинакам бадиият унсурлари жуда оз даражада акс этган.

Асқад Мухторнинг илк изланиш даврида яратилган “Хайри”, “Доғ”, “Ҳаётга чақирик” ҳикоялари юқорида таҳлилга тортилган “Куртак”, “Жанжалкаш”, “Оксана”, “Қанот жуфт бўлади” ҳикояларидан тубдан фарқ қилади. Ёзувчининг ҳикоячилик соҳасидаги ижодий тажрибалари, билими, ҳаётга ва жамиятга, инсон руҳияти қатламларига қарашлари, таҳлилий нигоҳи анча теранлашганини кўриш мумкин. Асқад Мухтор ёзиш, изланиш ва ижодда давом этиб, ҳикоячиликдаги бадий тажрибалари тўпланиб, ўсиб-тўлишиб, унинг илк ҳикоялари кейинчалик ёзилган “Инсонга қулуқ қиладурмен”, “Чодирхаёл”, “Фано ва бақо”, “Тўққизинчи палата”, “Кўк тош”, “Қора домла” каби мумтоз ҳикояларнинг яралишига пойдевор бўлиб қолди. Мазкур фаслда “Ҳаётга чақирик”, “Хайри”, “Доғ” ҳикояларининг ютуқлари ҳамда камчиликлари ҳам холис баҳоланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Асқад Мухтор ҳикояларига хос бадий маҳорат қирралари”** деб номланган. Биринчи фасл **“Замонавийлик масаласи”** деб аталади. Адабиётшунос О.Шарафиддинов А.Мухтор ижодига бадий чизгилар берар экан, адиб ижодининг энг муҳим белгиси “замонавийлик”, деб белгилайди: “Замонавийлик – бадий асарни китобхон қалбига етказадиган қанот, уни кураш қуролига айлантирадиган асосий омил. Ёзувчи ўз даврининг фарзанди, кўзи, қулоғи, виждони. Бинобарин, у ҳаётни тасвирлаганда ўз даври даражасида бўлиши, унинг эҳтиёжларидан келиб чиқиши зарур... Хуллас, замонавийлик ёзувчидан образли фикрлашдан ташқари ўз даври даражасида аналитик фикрлашни талаб қилади”¹⁴.

Асқад Мухторнинг жами қирққа яқин ҳикояларини мавзу ва ғоя жиҳатдан таснифлаштириб ўрганилганда, қуйидаги манзара пайдо бўлади: Саноат мавзуси ва саноат ишчилари ҳақидаги ҳикоялар (“Жанжалкаш”, “Куртак”); ижтимоий-маиший мавзудаги янги ўзбек аёли қиёфаси акс этган ҳикоялар (“Қанот жуфт бўлади”, “Доғ”, “Хайри”, “Ҳаётга чақирик”); уруш мавзуси билан боғлиқ ҳикоялар (“Оксана”, “Шербекнинг арғумоғи”);

¹⁴ Шарафиддинов О. Ижоднинг катта йўлида / Истеъдод жилolari. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 159–160.

тарихий мавзудаги ҳикоялар (“Инсонга қуллуқ қиладурмен”, “Кўк тош”); ижтимоий воқеликнинг фожеий талқини етакчилик қилувчи психологик ҳикоялар (“Фано ва бақо”, “Тўққизинчи палата”, “Хонимнинг туғилган кунлари”, “Жинни”, “Тақдир кимнинг кўлида”, “Қора домла”, “Атир”, “Кечиринг мени, одамлар”, “Мен ҳаётни ўрганаман”, “Макрух”); ижтимоий воқеликка рамзий ишора берувчи ҳикоялар (“Чодирхаёл”, “Арвоҳ”); сатирик ҳикоялар (“Икки портрет”, “Лаббай, чойми”, “Йўл-йўлакай гаплар”, “Нордон сатрлар”, “Қуруқ гап қулоққа ёқмас”); хотира ҳикоялар (“Қодирийни кўрганман-у”, “Омон қолган одам”, “Тафт”). Мазкур фаслда “Тақдир кимнинг кўлида”, “Қора домла”, “Жинни”, “Хонимнинг туғилган кунлари”, “Атир” ҳикояларидаги янги замон қаҳрамонларининг ҳаёти, муаммолари, ёзувчининг психологик таҳлил маҳорати кўздан кечирилади. Асқад Мухторнинг ижодий изланишлар даврида яратилган “Инсонга қуллуқ қиладурмен”, “Доғ” ҳикояларида ҳаётни, характерларни чуқур таҳлил этишга киришгани яққол сезилади. Шунингдек, кейинги давр ҳикоячилигида ёзувчининг образ ва характер яратишдаги бадиий маҳорати “Тақдир кимнинг кўлида”, “Қора домла”, “Жинни” да анча теранлашди. Айниқса, кейинги давр ҳикояларида ижтимоий-психологик таҳлил бўртиб кўринади. Шу боис тадқиқотчи С.Матякубов шундай баҳо беради: “Ҳозирги ҳикоячилигимизда шахсни ижтимоий-психологик планда таҳлил қилиш бадиий-эстетик тадқиқотчиликнинг муҳим хусусиятларидан бирига айланди. Хусусан, Асқад Мухторнинг “Фано ва бақо” ҳикоясида кўнгил деб аталган ўзига хос дунёнинг бир кўчасига нигоҳ ташланади. Агар эътибор берсак, адибнинг сўнгги йиллардаги яратган ҳикояларида (“Фано ва бақо”, “Чодирхаёл”, “Жинни” ва ҳ.к.) фожеий оҳанг кучли. Конфликт ва характерларнинг фожеийлигидан ташқари бадиий талқиндаги фожеий ифода йўсини аввалги изланишларида кўринмаган эди... А.Мухтор кишиларни ҳаётнинг шафқатсизлиги олдида довдираб эсанкирамасликка даъват қиладигандек туюлади. Негаки, кўнгилдаги санчиқлар, дилимиздаги оғриқлар қанчалик ўқинчли ва аламли бўлмасин, ҳақиқат, эзгулик ва адолат ундан баланд туради”¹⁵. Адибнинг “Қора домла” ҳамда “Жинни” ҳикоялари қаҳрамонлари Қора домла ва Ҳалим домла образлари ўртасида, уларнинг қилган хатти-ҳаракатларида типологик ўхшашликлар кузатилади. Ҳалим домла “Жинни” ҳикояси қаҳрамони. Хусусан, ҳар икки қаҳрамон ҳам домлалар. Ҳар икки домла ҳам одамзодга яхшилик қилишни истайди. Бинобарин, Қора домла нафақага чикқач, Болокапа қишлоғининг Шоввасойида булоқ ёпилиб қолмаслиги учун, йўловчилар, ҳамқишлоқлари тиниқ булоқ сувидан тўйиб-тўйиб ичиши учун тошдан зина қуради. Ҳикояни таҳлил этган адабиётшунос О.Жўрабоев шундай ёзади: “Атоқли ёзувчи Асқад Мухтор қаламига мансуб “Қора домла” ҳикоясида бир умр ўқувчиларга астойдил дарс бериб келган, сабоқ гўзалликларига ошно этган ўқитувчи тимсоли акс этган. Аммо у кексалик нафақасига чикқач, одамларда

¹⁵ Матякубов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – Б. 8.

Ўзи ҳақида яхши таассурот қолдириш, бир яхши иш билан ном чиқариш учун жисмоний оғир ишга қўл уради”¹⁶. Назаримизда, адабиётшунос О.Жўрабоев бир томонлама фикр юритаётгандек. Чунки Қора домла яхши иш қилиш орқали асло ном чиқаришни режалаштирмайди. У булоқбошини обод қилишни, одамларга қулай шароит яратишни истайди. Бетаъма бир иш қилади.

Асқад Мухторнинг илк ҳикоячилик босқичида яратилган қатор ҳикояларида сиёсийлашган сунъий одам образини яратишга уриниш бор эди. Адибнинг XX асрнинг 60-йиллари охиридан бошлаб яратган образлари сунъийликдан, сохта схематизмдан қутула бошлади. Энди адиб ҳикояларида нафас олаётган тирик одамлар образи яратила бошланди. Ёзувчи ҳам ҳаётни, ҳам салафлари ижодини (ўзбек ва жаҳон ҳикоячилигини) чуқур ўрганди. Хусусан, ўзбек ҳикоячилиги мактабининг асосчилари, йирик ҳикоянавис намояндалар: Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғуллом кабиларнинг бадиий маҳорат сирларидан воқифлиги, жаҳон ҳикоянавислигининг машҳур намояндалари Робиндранат Тагор, А.П.Чехов, М.Горький, И.С.Тургенев, Ж.Лондон каби кўпдан-кўп ёзувчиларнинг ҳикоячилик соҳасида яратган нодир асарлари бу борада Асқад Мухторнинг катта адабий тажриба тўплашига замин бўлди. Муаллифнинг илк ижодий изланишлар даврида ёзилган ҳикояларидан сўнг яратилган “Доғ”, “Инсонга қуллуқ қиладурмен”, “Қора домла”, “Жинни”, “Фано ва бақо”, “Тўққизинчи палата” сингари асарларида теран психологик таҳлил кучайди. “Фано ва бақо”да имонсиз одамларнинг икки типик вакили аччиқ истехзо билан яратилган бўлса, “Тўққизинчи палата”да бир имонсиз чолга икки имонли кекса мўйсафид чоллар образи қаршилантирилади. Бинобарин, Ҳожи бува ўз исмига тескари равишда имонсиз, худбин шахс. Бу шахсга зид тарзда тақводор чол ва Ҳожи буванинг палатадоши бемор Баҳромов образлари яратилган. Асқад Мухторнинг кейинги даврда яратилган асарларида исломий эътиқоди бутун инсон образини яратишга уринишлар яққол сезилади. Адиб ислом динининг илғор гуманистик ғояларидан илҳомланган ҳолда, ҳикояларида сифат ўзгаришлар намоён қила бошлади.

Бобнинг иккинчи фасли **"Фольклор анъаналаридан фойдаланиш маҳорати"** деб номланади. Ўзбек адабиётшунослигида фольклор анъаналари масаласи кўплаб адабиётшунослар томонидан ўрганилган. Жумладан, бу муаммо Ғ.Мўминов, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, И.Ёрматов, Д.Холиқова, Л.Шарипова каби олимларнинг монография ва диссертацион ишларида тадқиқ этилган. Адабиётшунос Ғ.Мўминов шундай ёзади: “Ёзма адабиётда фольклорнинг кўриниши турли ҳолда намоён бўлмоқда. Баъзи асарларда тўғридан-тўғри фольклор сюжетидан фойдаланилади, баъзиларида афсона ва ривоятлар тўқимасида ёзувчилар ўз фикр ва ғояларини ифодалайдилар. Баъзи асарларда фольклор элементлари, айрим эртак сюжетлари қаҳрамонлар характерини чуқурроқ очишга кўмаклашади. Фольклор ва ёзма адабиёт ўртасидаги бу боғланиш адабиётимиз тараққиётининг турли даврларида

¹⁶ Жўрабоев О. Рухият қаҳрамонлари // Ёшлик. – Тошкент, 2003. – №5-6. – Б. 38.

турли кўринишларда актив намоён бўлиб келмоқда”¹⁷. Асқад Мухтор ҳикояларида ҳам фольклоризмларнинг оддий ва мураккаб, услубий-нутқий, композицион, ижтимоий-этнографик турлари учрайди.

Оддий фольклоризмлар: А.Мухторнинг “Фано ва бақо”, “Доғ”, “Тўққизинчи палата” каби ҳикояларига халқ матал ва мақоллари эпиграф сифатида танланган. Жумладан, “Доғ” ҳикоясига “Осмонга туфласанг, юзингга тушар” матали, “Тўққизинчи палата” ҳикоясига “Нафъинг қанча бўлса – умринг шунча” мақоли эпиграф қилиб қўйилган. Адиб “Фано ва бақо” ҳикоясига Машрабнинг “Бўлмаса васли манго, икки жаҳонни на қилай” байтининг бир мисрасини, Америкалик машҳур ёзувчи Эдгар Понинг “Ёзганларим бари – ҳаёт ва ўлим ҳақида” ҳикматли сўзини, муқаддас “Қуръони Карим”дан эса “Оллоҳнинг ваъдаси ҳақ. Дунёи-дун сизни ҳаргиз алдаб қўймасин” деган оятини эпиграф сифатида танлаган. Асар қаҳрамонлари икки дунё оралиғида қолиб, тириклар дунёсига қайтиб келишади. Улар жуда оғир синовни бошларидан кечирган бўлсалар-да, ёлғон дунёнинг ёлғон амалларига, дунёи дунига учиб, бир-бирини ўлдирмоқ учун ҳийлалар ўйлаб топишади. Кенгроқ маънода оладиган бўлсак, Асқад Мухтор мазкур асарида ҳаёт ва унинг жирканч тарафлари, ўлим даҳшати олдида покланишга ҳаракат қилган икки нотавон кимса ҳақида заҳарханда киноя билан ҳикоя этади.

“Фано ва бақо” ҳикояси матнида адиб халқ мақол-маталлари, иборалар, мумтоз шарқ адабиётининг ҳикматларидан жуда ўринли фойдаланган: “Келса гумон – кетар иймон”, “Дунё йиғиб нетарсан – бир кун ташлаб кетарсан”, “Ёриладиганинг бўлмаса ёмон, ичингда кетади”, “Одам одамнинг дардини олади”, “Ёвғон ошинг – беғалва бошинг”, “Қизилни кўриб Хизр йўлдан озган экан”, “Зўрниги тегирмон юрдирар”, “Жоним қилнинг учида турибди”, “Бир бошга бир ўлим”, “Жон бор жойда қазо бор”, “Ким тирик, ким ўлик – маълум эмас” ва ҳ.к...”. Ҳикоя қаҳрамонларининг руҳий ҳолати, кайфияти, уларнинг ички ва ташқи монолог ва диалоглари, муаллиф баёни мана шундай халқона қочиримли нозик ибора, мақол ва маталлар билан безатилган. Бундай халқона иборалар китобхонни завқлантиради, айти дамда бадий воқеликдан оқилона хулоса-ҳукм чиқариб олишига туртки беради. Шунингдек, “Тўққизинчи палата”, “Хонимнинг туғилган кунлари”, “Доғ”, “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикояларида истифода этилган оддий фольклоризмлар ўрганилган. **Мураккаб фольклоризмлар:** Асқад Мухтор ҳикоялари орасида икки ҳикоя бевосита Амир Темур номи билан боғлиқ. Булар: “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ва “Кўк тош”. Айниқса, саркарда, улўғ ҳукмдор Амир Темур билан Айри Қўбуз муносабатларини самимий акс эттирувчи “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикояси алоҳида ажралиб туради. Бу ҳикояга буюк саркарда Амир Темур ва Айри Берди афсонаси асос бўлган. Ҳикоянинг яратилишига туртки берган инсон ёзувчининг талабалик давридаги домласи Иброҳим Мўминов бўлади. Бу ҳақда ёзувчи шундай хотирлайди: “Амир Темур тўғрисидаги ҳикоя анча илгари, олтмишинчи

¹⁷ Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 126.

йилларда битилган. ... У киши менинг “ишим”да бадий бўёқларни пайқаган эканлар чоғи, ижоддан гап очдилар. Ва Амир Темур билан Айри Берди афсонасини ҳикоя қилиб бердилар, афсонанинг тарихий заминлари борлигини тушунтириб, баъзи адабиётларни тавсия этдилар. Хуллас, шу ҳақда ҳикоями, қиссами ёзиш мумкинлигига шама қилиб, далда учун мен ҳақимда бир неча оғиз яхши сўз айтдилар”¹⁸. “Амир Темур ҳақида ҳикоялар” китобида мазкур афсона учрамайди¹⁹. Аммо китобдан ўрин олган “Майса ҳиди” ҳикоясида мутасаввуф шоир Шабустарий қишлоғида бўлган ҳукмдорнинг Маҳмуд Шабустарий ижоди ҳақидаги ўйлари, шоир қабри зиёрати каби воқеалар беихтиёр Амир Темур билан Айри Қўбуз ҳақидаги “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясини ёдга тушириб юборади. “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясида адолатпарвар, илмпарвар, раиятпарвар ҳукмдорнинг ёрқин образи тўлақонли чиқишига Амир Темур ҳақидаги халқ афсоналари мустаҳкам пойдевор бўлган. Ҳикояда архаик сўзлар, историзмлар жуда ўринли истифода этилган. Айни пайтда у тарихий ҳикоя жанрининг услубини беазаган. Тарихий ва миллий колорит шу тариқа чуқур асосланган. Айниқса, исломий эътиқоди бутун, туғма жаҳонгирлик салоҳиятига эга бўлган буюк Амир Темур сиймоси “Амир Темур ва Айри Берди афсонаси” орқали ниҳоятда чуқур асосланган. “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясида ҳам стилизация, ҳам синтезлашган фольклоризм элементи кўзга ташланади.

Адибнинг “Кўк тош” ҳикоясида ҳам мураккаб фольклоризм қўлланилган. Мазкур ҳикоя ҳақида адабиётшунос Й.Солижонов шундай ёзган эди: “...Асқад Мухторнинг “Кўк тош” ҳикояси Соҳибқирон Амир Темур мақбарасидаги ўша машҳур кўк тошнинг тарихи, унинг ўзига хос фазилятлари тўғрисидаги монолог асосига қурилган. Ҳикоя диалоглардан бутунлай холи, унда фақат кўк тошнинг ўзи гапиради. Аммо мана шу шаклнинг ўзи ёзувчининг ўқувчи оммасига мурожаати тарзида намоён бўлади. У орқали адиб мустақиллик туфайли бағримизга қайтиб келган ўлмас қадриятларимиз, обидаларимизни асраб-авайлаш зарурлигини уқдиради”²⁰. “Кўк тош” ҳикояси сюжети, аввало, кўк тош ҳақидаги халқ орасида афсонага айланиб кетган ривоятлар ҳикоятлар асосида яратилган. Демак, “Кўк тош” ҳикоясида ҳам, “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоясидаги каби бир неча халқ афсоналарининг мотиви, сюжети мазкур ҳикоя яралишига асос бўлган. Ёзувчи икки ҳикояни яратишда мураккаб фольклоризмлар (халқ афсоналари ва ривоятлари мазмуни, мотиви)дан ниҳоятда унумли фойдаланган.

Қўлланиш йўналиши ва вазифасига кўра Асқад Мухтор ҳикояларида услубий-нутқий ва ижтимоий-этнографик фольклоризмларга ҳам бир қанча мисоллар келтириш мумкин.

Услубий-нутқий фольклоризм: Асқад Мухтор ҳикояларида негадир

¹⁸ Мухтор А. Муаллифдан / Инсонга қуллуқ қиладурмен. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 3–4.

¹⁹ Амир Темур ҳақида ҳикоялар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Тўлқин Ҳайит. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 48 б.

²⁰ Солижонов Й. Адабиёт сўзи / Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – Б. 129.

аниқ бир вилоят шеvasи ярқ этиб кўзга ташланмайди. Ёзувчи бадий матнда, асосан, адабий тил меъёрларига қатъий амал қилади. Аммо шунга қарамасдан, ҳикоя қаҳрамонлари нутқини, услубий маъно фарқларини кўздан кечирадиган бўлса, оригиналлик, индивидуаллик кузатилади. “Тўққизинчи палата” ҳикояси қаҳрамонлари Баҳромов билан Ҳожи буванинг нутқи, ички ўйлари ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Ёзувчи қаҳрамонлар нутқи ва уларнинг ички монологини беришда халқона сўзлашув услубидан, ўзбек миллатининг ўзига хос дунёқарашидан асло айро тушган эмас. Мисол учун:

“– Ҳа, ҳозиргиларни нукул юрагидан оляпти, тақсир, олтмишга бормай “серсам-серсам”га тушиб қолишяпти. Ўзлари неччига кирдилар?

– Олтмиш етти, – деди Баҳромов.

– Ана. Бизники шу бу йил тут пишиғида иккам саксон бўлди, худога шукур, серса-перса билан ишимиз бўлган эмас...”²¹.

Кузатилаётганидек, ёзувчи ҳикоя қаҳрамонлари нутқида, асосан, жонли халқ тилига суянади. Икки чолдан бири Ҳожи бува нутқида русча сўзлар (сердца – оғзаки ўзбекча ифодада “серса”, “серса-перса”) маҳаллий халқ томонидан бузилиб талаффуз этилишини матнда бериш орқали ҳикояда беҳад жонлиликка, ҳаёттиликка, реалликка эришган. Шунингдек, “тут пишиғида иккам саксон”га кириши ҳам (халқона ҳисоб-китоб берилиши ҳам) услубий- нутқий фольклоризмни асарда тўлақонли таъминлаган. Шунингдек, Баҳромовнинг палатадоши Ҳожи бува ҳақида ички ўйларида ҳам ниҳоятда ҳаёттилик ва халқоналик бўртиб кўриниб туради: “Кўшнисининг, бу тақводорнинг орқаваротдан калака қилишлари ёқмасди Баҳромовга. Оти Ҳожи бува, ўзи саксонга борган бўлса ҳам, касалхонанинг ёвғон ошини бисмиллосиз туширади. “Имонсиз чол” деб кўярди Баҳромов ичида”²². Ҳикояда учта чол образи бор. Буларнинг иккиси ҳикояда динамик тарзда тасвирланган бўлса, учинчи чол касалхона биқинидаги ҳовлида яшайдиган, палата деразасидан хатти-ҳаракатлари кўриниб турувчи тақводор чол образидир. Тақводор чол ўзининг беш вақт тоат-ибодати, бемор Баҳромов эса олийжаноб, фидойи хатти-ҳаракати, бағрикенг характери билан Ҳожи бува образига қаршилантрилади.

Ижтимоий-этнографик фольклоризм: Асқад Мухторнинг қатор ҳикояларида ўзбек халқига хос бўлган ижтимоий-этнографик деталларни, миллий урф-одатлар, миллий анъаналарни кузатиш мумкин. Жумладан, “Ҳаётга чақирик” ҳикоясида ўзбекнинг яшаш тарзи, ҳовли-жойи тасвири анча батафсил чизилади. Жумладан: “Саломат опа ойимсупургини жиндак намлаб, супадаги гиламга энди қадам қўйган эди, кўча эшиги “ғийт” этиб очилди. Юраги бетламагандайроқ секин кириб келган нотаниш хотин аввал тортиниbroқ ён-верига қаради-да, кейин, Саломат опанинг юзига кўзи тушгач, дафъатан эски қадрдонини учратиб қолган киши сингари, бирдан очилиб кетди. Чўнтаклари катта-катта кулранг костюм кийган, чоғроққина чарм чамадон тутган хотиннинг шаҳардан келганлиги билиниб турарди.

²¹ Мухтор А. Тўққизинчи палата / Чодирхаёл. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 15.

²² Мухтор А. Тўққизинчи палата / Чодирхаёл. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 17.

Саломат опа супургини ерга ташлаб унга пешвоз чиқди”²³.

“Тўққизинчи палата” ҳикоясида такводор чол ва унинг ҳовлиси тасвирида ҳам ижтимоий-этнографик фольклоризм элементларини батафсил кузатиш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби **“Асқад Мухтор ҳикоячилигида янги бадий-услубий изланишлар”** деб номланган. Боб икки фаслдан ташкил топган. Унинг биринчи фасли **“Бадий макон - шартли восита”** деб аталади. Бадий асарда "бадий замон" ва "бадий макон" доимо бир-бирини тақозо этади. Улар ажралмас бирлик каби бир-бирини талаб қилади. Адабиётшунос А.Б.Есин ўзининг "Бадий асарни таҳлил қилиш принциплари ва усуллари" номли китобида шундай ёзади: "Тасвирланган (умуман олганда, реал оламнинг ҳам) табиий яшаш шакллари вақт ва макондир. Адабиётда вақт ва макон ўзига хос шартлилик бўлиб, бадий оламни макон ва вақтда ташкил этишнинг турли шакллари айнан унинг характериға боғлиқ. Бошқа санъатлар ичида адабиёт вақт ва макон билан бемалолроқ иш кўради (бу борада фақат кино санъатигина маълум даражада рақобатлаша олади).²⁴ Олим асарда "бадий замон ва бадий макон"нинг нақадар муҳим роль ўйнашини жуда қисқа, лўнда тарзда назарий таърифлайди. Асқад Мухторнинг ҳикояларида бадий макон сифатида ёрқинроқ кўзга ташланган "тоғ", "ер ости", "палата", "бекатдаги уй" нима учун айнан шундай танлангани "Фано ва бақо" (ер ости, тоғ), "Хонимнинг туғилган кунлари" (тоғ), "Кечиринг, мени одамлар" (бекатдаги уй), "Тўққизинчи палата" (палата) асарлари мисолида ўрганилди. А.Мухторнинг “Тўққизинчи палата” ҳикоясидаги воқеалар касалхонада тўққизинчи рақамли палатада содир бўлади. Ҳикояда Ҳожи бува билан Баҳромовнинг икки хил характери сахна асаридагидек тафтиш этиб берилади. Умуман олганда, “палатадаги беморлар” мотиви ХХ аср ўзбек насрида анъанавий мотивлардан бирига айланди. Бу мотивнинг илдизлари рус-европа адабиётида ҳам мавжуд. А.Қаҳҳор, А.Мухтор, Ш.Холмирозев, Х.Дўстмуҳаммад “палатадош беморлар” мотивига ёндашар экан, ҳар бири айрича услубда, ўзгача дунёқараш ва бадий мақсад билан бу мавзуга қўл уради.

“Фано ва бақо” ҳикоясида танланган воқелик эса, қаҳрамонларнинг бир-бирига чоҳ қазини - чуқур психологик кайфият, руҳий коллизиялар асосига қурилгани билан эътиборни тортади. Ҳажм жиҳатидан бир оз чўзилган ҳикояда икки асосий қаҳрамон – Холхўжа ва Очил иштирок этади. Асарда социалистик метод асосида яратилган бадийят намуналаридаги каби анъанавий қолип йўқ: канон даражасига кўтарилган битта ижобий ва унга антипод сифатида салбий қаҳрамон яратилмаган. Қаҳрамонларнинг ҳар иккаласи гуноҳкор бандалар. “Персонажлардан бирининг сўзлари билан айтганда, одам боласи дунёга соф келади, ҳамма ёмонликни шу дунёда ўрганади, шу ерда орттиради”²⁵. Улар шундай деб, гўёки ўзларига ўзлари таскин беради. Шу тариқа гуноҳларини юмшатмоқчи, ўзлари тушиб қолган

²³ Мухтор А. Ҳаётга чакирик / Ҳаётга чакирик. – Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1956. – Б. 46.

²⁴ А.Б. Есин. Принципы и приемы анализа литературного произведения. М.: Флинта, Наука, 2000. – С. 64.

²⁵ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 16.

қора ишлардаги айбини ювмоқчи бўлишади. Гуноҳкор бандалар кунлардан-бир куни кучли зилзила пайтида кўпқаватли уйнинг ертўласига қамалиб қолишади. Албатта, икки қаҳрамоннинг ертўлага қамаб қўйилиши, чорасизлик ва йўлсизлик гирдобига ташланиши ёзувчининг аниқ бадий шартлилик мақсади ўлароқ қилинганлиги аён. Уларни очлик, сувсизлик, чорасизлик, бахтсизлик, ҳар бир сонияда ўлим даҳшати ўз исканжасига олади. Ҳар сонияда ўлимни ҳис қилиб турган икки қаҳрамон бақо остонасида покланмоқ исташади. Холхўжа қандай қилиб бойвучча, танти бўлиб қолганлигини, айбсиз бир мусулмон кишининг қамалиб кетишига сабабчи бўлганлигини, ёлғон гувоҳ берганлигини тасодифий ҳамроҳига гапириб беради. Холхўжадан анча ёш бўлган Очил ҳам ҳамроҳидан баттарроқ гуноҳга қўл урган. Яъни хўжайинининг ёшгина аёли билан дон олишган. Очил ҳам, Холхўжа ҳам нафсининг қуллари. Улар омонат дунё (фано) билан абадий дунё (бақо) ўртасидаги ингичка йўлда туришар экан, барча айбларига иқроп бўлишади. Гўёки, Оллоҳ олдида истиффор айлашади. Ижтимоий иллатлар: маънавий бузуқлик, юзсизлик, порахўрлик, алдамчилик, қаллоблик уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Адиб Холхўжа ва Очил кирдикорлари мисолида юқорида саналган ижтимоий иллатларни кўрсатиб беради. Табиат ҳодисаси – зилзила туфайли ертўлага тушиб қолган тасодифий ҳамдардлар шу пайтгача ҳеч кимга айтмаган, айта олмайдиган сирларини, яъни қаллобликларини бир-бирига фош этади. Аммо буни қарангки, вазият ўнгланиб, бақо остонасидан тирик қайтган икки қаҳрамон ҳаётга қайтгач, сирлари туфайли бир-бирига гўр қазий бошлайди. Улар ўртасида даҳшатли даражада ички-руҳоний кураш бошланади. Биттасининг тинч, хотиржам яшаши учун иккинчиси албатта ўлиши шарт. Назаримизда, адиб инсониятнинг тубан руҳий ҳолати ҳақида фалсафий мушоҳада юритади. Холхўжа билан Очил ташида бир-бирига жуда мулойим, жуда меҳрибон гапиргани ҳолида бир-бирига ўлим ваҳшатини солади. Ҳикояда мазкур ўринлар ниҳоятда таъсирчан, жонли акс эттирилган. Ҳикоя том маънода психологик характерга эга. Чуқур психологизм билан суғорилган ҳикоя ўқувчи қалбини осонгина забт этади, қаҳрамонлар қилмиши нафратимизни кўзғатади. Холхўжа, Очил каби ярамас инсонлардан ҳазар қила бошлаймиз. Улар тушиб қолган чоҳ нақадар жирканч, қора эканлигини ҳис этиб, наҳотки инсон шу қадар тубан деган мушоҳадалар, муҳокамалар орасида сарсон кезинамиз.

Асқад Мухторнинг “Кечиринг мени, одамлар” ҳикояси ҳам ўқувчи эътиборини ўзига тортади. Ҳикояда халқона, жайдари бир бадий фалсафа илгари сурилади. Яъни: “Одам одам билан тирик”. Ҳикоя қаҳрамони – Хатча хола. Унинг яккаю ягона ўғли Қарши чўлига кетади. Сўнгра ўша ёқда уйланиб, қолиб кетади. Она боёқиш ёлғиз ва мискин. У уйида ёлғиз одам овозига зор бўлиб ўтирганида, “рўпарадаги катта йўлдан яқинда автобус қатнайдиган бўлиб, кўча эшикнинг шундоқ ёнгинасига бекат тушди. Бекат бўлганда ҳам – бетон зиналарига темир қувурдан устунлар қоқилиб, тепаси яшил шифер билан ёпилди, соябон тагига сирланган скамейкалар қўйилди, хуллас, ҳавасга келиб ўтирадиган.

Бекат кеча-ю кундуз гавжум, шовқин-сурони Хатча холанинг деразасидан кириб туради. Терлаб-пишган шофёр бир пиёла сув сўраб кирса, Хатча хола хурсанд бўлганидан кўк чой дамлаб ёки муздек айрон аталаб беради... Гоҳо ёмғир ёғиб қолса, қоп, тугун кўтарган йўловчилар ҳам Хатча холаникида пана олади”²⁶.

Хуллас, ёлғизликда одамга, меҳрга зор Хатча холанинг ҳаёти уйининг олдига бекат қурилиб, тамомила ўзгаради. Ёзувчи атайлаб бекат ёнидаги уйни бадий макон сифатида танлайди. Нима учун? Хатча холанинг ҳиссиётларини имтиҳон қилиш учун... Кун келиб Хатча холанинг пенсиясидан орттириб, икки йил давомида тўплаган пули йўқолиб қолади. Хатча хола шубҳа гирдобига тушади. Ким олган бўлиши мумкин? Уйига кириб-кетган барча йўловчилар, шофёр – барча-барчасини кўз ўнгидан ўтказди. Бу ҳақда шофёр йигит Сиддикжонга айтади. Қарабсизки, Хатча хола билан йўловчилар ўртасида шубҳа-гумонлар пайдо бўлади. Ўзаро инсоний ишонч деган туйғу дарз кетади. Ҳикояда танланган воқеа орқали ёзувчи шубҳанинг, гумоннинг нақадар даҳшатли, адаштирувчи ҳиссиёт эканини Хатча хола ҳаёти орқали кўрсатиб беради. Ваҳоланки, ўша пул ўғирланмаган эди. Шунчаки кампир пулни сандикдан олиб бошқа жойга қўйиб, эсидан чиқарган. Хатча хола пули топилгач, қаттиқ изтироб чекади, одамлардан ич-ичидан кечирим сўрайди. Лекин... Одамлар энди унга ишонмай қўйишади.

Иккинчи фасл **"Фалсафий рамзийлик"** деб аталади. Мазкур фаслда Асқад Мухторнинг ҳикоядан ҳикоя томон мукамаллашиб, профессионаллашиб бориб, ниҳоят адиб ҳикоячилигининг кульминацион нуқтаси сифатида яралган “Чодирхаёл” ҳикояси таҳлил қилинди. Мазкур ҳикоя ёзувчининг “Танланган асарлар”, “Ҳикоялар” тўпламининг бирортасига киритилмаган. Сабаби эса аниқ. Чунки ҳикоя Асқад Мухтор умрининг шомида яратилган сўнгги ҳикоялардан бири саналади. “Чодирхаёл” матбуот саҳифаларида қайта-қайта чоп этилди. Масалан, ҳикоя “Адолат” газетасида босилган ²⁷. Адиб вафотидан сўнг “Чодирхаёл” сарлавҳаси билан ҳикоялар тўплами чоп этилди²⁸. Асқад Мухторнинг қирққа яқин ҳикоялари орасидан Туркиялик ўзбекшунос ва таржимон Вали Саваш “Чодирхаёл”ни турк тилига маҳорат билан ўгириб, “Қўрғон адабиёт” журналида чоп эттирган²⁹.

“Чодирхаёл” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳланган: “Чодирхаёл *эск.* Ўзбек анъанавий кўғирчоқ театр тури: кўғирчоқнинг барча қисмлари (аъзолари) иплар билан боғланиб, бир дастчўпга уланади ва чодир (парда) ортидаги кўғирчоқбоз ипларни тортиш орқали кўғирчоқни ҳаракатлантиради”³⁰.

Асқад Мухтор “Чодирхаёл”да бадий шартли символларга таянади.

²⁶ Мухтор А. Кечиринг мени, одамлар / Чодирхаёл. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 3–4.

²⁷ Мухтор А. Чодирхаёл // Адолат. – 2007 йил, 2 ноябрь; 16 ноябрь; 23 ноябрь;

²⁸ Мухтор А. Чодирхаёл. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 192 б.

²⁹ Askad Muxtor. Gölge oyunu / Kurgan edabiyat. Edabiyat kültür dergisi. 2015. Mayıs. Sayı 25. – S. 88-92.

³⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жидли. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 503.

Асар ҳақиқатан ҳам ўзининг чуқур бадиияти билан ўқувчини ўзига тортади. Уни фикрлашга, воқеа замиридаги ҳақиқий воқеликни, чинакам ижтимоий, маънавий муаммоларнинг фожиасини чуқур ўйлаб кўришга даъват этади. Ҳикояда фикрлашдан маҳрум бўлиб қолган шўро даври одамлари киноя қилинади. Ҳикояга теран нигоҳ билан назар солсак, ёзувчи умуман башарият тарихидаги “мустақил фикрлай олмайдиган қавм устидан” киноя қилади. Улардан ҳатто каламуш ҳам ақллироқ, деган фикрга бадиий рамзий ишора этади. Лекин бу фикрлар ҳикояда очиқ ифодаланмайди. “Чодирхаёл”да ёзувчи айтмоқчи бўлган муҳим бадиий-фалсафий ғоя таг маъно воситасида англашилади. Ҳикоядаги етти ишчининг ҳатто исми ҳам йўқ. Улар шунчаки, Биринчи, Иккинчи, Учинчи... Еттинчи деб айтилади, холос. Ер қовловчилар собиқ Иттифоқ даврида боқимандалик кайфиятига, боқимандалик аҳволига тушиб қолган, миясини ишлатишни истамайдиган фикрсиз одамларнинг рамзий тимсолидир. Умуман, ҳикояда воқелик, исмсиз қахрамонлар, раҳбар Ҳоким Тўраевич, бир томонлама телефон, каламуш образларининг ҳар бири жуда чуқур рамзий маънога эга. Еттовлон қора ер қаърида ҳам Ҳоким Тўраевичнинг соясига кўрпачалар солиб, миннатдор бўлиб, бир-бири билан раҳбарни, яъни “Катта”ни алқашади. Улар ўзларининг ҳаётини қутқариш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Фақат тепадан, бир томонлама телефондан буйруқ кутишади. Буйруқ олиб, бир чизик бўйлаб, ишлаш уларнинг қонқонига сингиб кетган. Уларнинг ҳаёти ва тақдири учун ҳам “Катта”лар бош қотириши керак. Беихтиёр ҳикоянинг “Чодирхаёл” деб аталишида чуқур маъно кўрамиз. Еттовлон кўғирчоққа айланган одамларга рамзий ишора бўлса, кўғирчоқбоз – Марказлашган мустамлакачи ҳукумат рамзи. Телефон эса бир томонлама. Яъни фақат буйруқ бериш учун мўлжалланган. Халқ дарди, гапи-ҳасрати мутлақо эшитилмайди. Бу тимсоллар “Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ” шиори ҳукмрон бўлган зўравон сиёсатга рамзий ишоралардир. Шунингдек, мазкур фаслда адибнинг мемуар характердаги митти ҳикоялари (“Макруҳ”, “Арвоҳ”, “Тафт”, “Омон қолган одам”, “Қодирийни кўрганман-у”)даги рамзий деталлар (мачит-мезана, “Жигули”, туш, қари тут дарахти, шахмат, Қодирий шахси) таҳлил этилди.

ХУЛОСА

1. Асқад Мухтор матбуотда илк бор кўринган 30-40-йиллардан катта адабиётшунослар назарига тушди, адиб ҳаёти ва ижоди бўйича юзлаб тақризлар, тадқиқотлар, монографиялар яратилди; адиб ижоди кўплаб олим-ва тадқиқотчилар томонидан холис баҳоланиб, ижобий ютуқлари билан биргаликда нуқсонлар ҳам ўз вақтида кўрсатилди; унинг серқирра ижоди турли адабий авлод танқидчилиги томонидан ҳамон баҳоланиб келинмоқда.

2. Адибнинг сермахсул ва серқирра ижодини изчил ўрганиш ва тарғиб этиш ишлари шўро даври ва истиклол даври адабиётшунослигида изчил давом этди; Асқад Мухтор ҳаёти ва ижоди бўйича ўнлаб номзодлик ва докторлик (Б.Сайимов, У.Носиров, Т.Ҳамидов, И.Ҳасанов, С.Ширинов, А.Эргашев, С.Мўминова, Х.Дўстмуҳаммад, С.Комилова, С.Матякубов,

Ш.Сапиева, П.Кенжаева) ишлари яратилди.

3. А.Мухтор ҳикоялари орасида бадиият нуқтаи назаридан энг пишиқ бўлган ўнлаб ҳикоялар (“Чодирхаёл”, “Фано ва бақо”, “Тўққизинчи палата”, “Қора домла”, “Жинни”) нафақат ўзбек адабиётшунослари, балки хорижлик ўзбекшунослар томонидан ҳам юқори баҳоланди; адиб ҳикоялари бадииятини таъминлаган оригинал тасвирлар, теран ижтимоий-психологик таҳлиллар, кучли фожеавий оҳанг, киноя ва истехзо олимлар томонидан эътироф этилди.

4. Асқад Мухтор ҳикоячилигини шартли равишда уч босқичда ўрганиш мақсадга мувофиқ, 1-босқич. Илк ижодий изланишлар даври (XX асрнинг 50-60 йиллари); 2-босқич. Шаклланиш ва такомиллашув даври (XX асрнинг 70-80 йиллари); 3-босқич. Камолот даври (XX асрнинг 90-йиллари); 1-босқичда яратилган “Куртак”, “Жанжалкаш”, “Оксана”, “Ҳаётга чакириқ”, “Қанот жуфт бўлади”, “Хайри” каби ҳикояларида сохта схематизм, бадиий композициядаги баъзи нуқсонлар, хира образлар тасвири, мафкурабозлик тенденцияси кўзга ташланади.

5. Адибнинг сўнгги даврда яратилган “Қора домла”, “Жинни” ҳикояларида ишонгани, талпингани саробга айланган замондош шахс фожеаси талқини маҳорат билан ёритилди, “Тақдир кимнинг қўлида” ҳикоясида ёзувчи киноя ва сарказм воситасидан унумли фойдаланиб, қаҳрамон ҳаёти ва кечмиши мисолида “самодержавие даврида яшаб, тарихдан тушиб қолган одам” образини танқидий, таҳлилий руҳ билан ёритади.

6. Асқад Мухтор ҳикоялар матнида халқ тилига, хусусан, оддий фольклоризмлар (мақол, матал, образли ифодалар, идиомалар)га жиддий эътибор берди; бу орқали ёзувчи матнда халқоналик, миллийлик, таъсирчанлик, ўқишлиликка эришди; ёзувчининг яна бир туркум тарихий ҳикояларида (“Инсонга қуллуқ қиладурмен”, “Кўк тош”) мураккаб фольклоризм стилизацияси кўзга ташланади; ёзувчи қаҳрамонлар нутқи жонли ва табиий чиқиши учун услубий-нутқий фольклоризмларга жиддий эътибор қаратади, шунингдек, асарда ўзбек халқининг миллий этнографияси ҳам табиий чизилган.

7. Асқад Мухтор қаҳрамонларнинг ҳис-туйғуларини, одамийлик қиёфасини синовдан ўтказиш мақсадида шартли бадиий макондан унумли фойдаланди, жумладан, ер ости, тоғ (“Фано ва бақо”, “Чодирхаёл”), палата (“Тўққизинчи палата”), бекатдаги уйни (“Кечиринг мени, одамлар”) тасвирлайди, шу орқали ёзувчи инсон руҳиятини чуқур таҳлил этади, кишиларнинг феъли-характерини бадиий тафтиш этади;

8. Адибнинг 2 ва 3-босқичда яратилган ҳикояларида (“Тўққизинчи палата”, “Фано ва бақо”, “Макруҳ”, “Арвоҳ”, “Тафт”) исломий-диний, миллий анъанавий қадриятлар талқини кенг ўрин олди. Натижада Асқад Мухторнинг айниқса, сўнгги давр ҳикоячилигида исломий эътиқод тушунчаларининг барқарорлашганини англаш мумкин. Ёзувчи бир пайтлар вальс майдончаларида рақс тушаётган қаҳрамонларидан юз ўгириб, инсонийлик, одамийлик қиёфасини сақлаб қолган ва уни сақлаб қолишга

уринаётган замондошларимиз образини маҳорат билан яратди.

9. Асқад Мухтор ҳикоячилигининг камолот босқичида яратилган “Чодирхаёл” ҳикояси кутилмаган бадиий тасвири, рамзий-фалсафий мазмуни билан жамоатчилик эътиборини тортди; ҳикояда қаламга олинган воқеликда рамз, киноя, сарказм элементлари қуллик психологиясига эга бўлиб қолган боқиманда кишилар ҳаётига, кенгроқ маънода эса мустамлака шароитида яшаётган халқлар (собик СССР) ҳаётига рамзий ишоралар кузатилади.

10. Асқад Мухтор ижодининг сўнгги босқичида яратилган (“Тафт”, “Макруҳ”, “Арвоҳ”, “Қодирийни кўрганман-у” каби) кичик ҳажмли ҳикояларда ҳиссий кечинмали воқеалар, мемуар унсурлар кучайди: воқеа, вазият, кайфиятлар, кичик деталлар рамзийлаштирилади; масалан, Қари тут – қадим аждодлардан хабар келтирувчи муқаддас рамз, Мачит-мезана – минг йиллик анъаналар рамзи, “Жигули” – ўткинчи дунё рамзи ва ҳ.к. Асқад Мухторнинг сўнгги давр ҳикоячилигида 70 йиллик истибдоддан сўнг уйғонган халқнинг миллий анъаналарга, қадриятларга, миллий адабиётга нисбатан ҳаққоний баҳоси, муаллифнинг аниқ позицияси барқарорлашиб, ижобий томонга юз фоиз бурилганини кузатиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**КОКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ХАСАНОВА БАРНО ЮСУПОВНА

НОВЕЛЛИСТИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО АСКАДА МУХТАРА

10.00.02 — Узбекская литература.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ (PhD)**

Фергана – 2018

Тема докторской диссертации зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.4. PhD/Fil.455.

Диссертация выполнена в Кокандском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех (узбекский, русский, английский (резюме)) языках на веб-странице Научного совета www.tashgiv.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Назаров Бахтиёр Аминович**
академик, доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Косимов Абдугопир**
доктор филологических наук

Кучкарова Мархабо Худайбергановна
кандидат филологических наук

Ведущая организация **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.05.02 по присуждению ученых степеней при Ферганском государственном университете «___» _____ 2018 года в ___ часов. (Адрес: 150100, город Фергана, улица Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244–66–02; факс: (99873) 244–44–93; e-mail: fardu_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (Зарегистрирован за номером ____). Адрес: 150100, город Фергана, Улица Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244–66–02.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(Протокол реестра рассылки за номером ___ от «___» _____ 2018 года)

М.Х.Хакимов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор.
филол.н., профессор

М.Зокиров
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филол.н., доцент

А.Сабирдинов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор филол.наук.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы исследования. В мировом литературоведении важное значение имеет изучение с новой позиции литературу XX века, охватывающую сложный и тревожный историко-социальный, политический, литературный процесс и творчество представителей этой литературной эпохи. Начиная с момента изменения идеологических представлений, изменяется и отношение к художественному произведению. В этом смысле исследование художественного мастерства писателей XX века, которые были свидетелями двух режимов, создавших школу своего литературного творчества, служит прогрессированию литературы.

В мировом литературоведении с различных ракурсов изучены вопросы становления жанра рассказ, его возникновения в литературах народов мира, этапов формирования и эволюции, теория природы данного жанра. В этом смысле, научно-теоретическую значимость имеют творческие опыты новеллистов, их художественное мастерство, в частности, изучение образов, идей, новаторства, жизнетворного влияния фольклорных традиций, научное обоснование художественного пространства, философской символичности, исследование художественного мастерства представителей современной литературы, в частности, писателей этой эпохи, их новеллистического мастерства, вклада в развитие искусства слова.

Творческая свобода, навевшая в годы независимости, дала возможность по-новому взглянуть, толковать и анализировать в другом русле художественные шедевры советской эпохи и периода независимости. Следовательно, глубоким смыслом пропитаны слова «внимание к литературе и искусству, культуре – это, прежде всего, внимание к нашему народу, будущему»¹, в них обосновывается бесценная роль и значимость литературы и искусства в человеческом обществе. Следовательно, раскрытие творческой лаборатории видного представителя узбекской литературы XX века – Аскада Мухтара, сыгравшего важную роль в его развитии, в частности, его мастерства в рассказотворчестве. Ибо, Аскад Мухтар в своих рассказах плодотворно продолжил творческие традиции своих предшественников – А.Кадыри, Чулпана, А.Каххара, Г.Гуляма, устного народного творчества и ведущего творческого наследия мировой новеллистики, сумел продемонстрировать огромные возможности жанра. Поэтому изучение и исследование новеллистического мастерства Аскада Мухтара определяют востребованность темы исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4797 «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустахкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – 2017 йил, 4 август.

мая 2016 года, №ПП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №ПП-3271 «О Программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года и других нормативно-правовых документах, касающихся данной отрасли.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Нравственно-духовное и культурное развитие демократического и правового общества, развитие инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В мировом литературоведении вопросы жанра рассказ и их теоретические вопросы, проблемы мастерства писателя изучены М.М.Бахтиным, В.Белинским, А.Н.Веселовским, В.В.Виноградовым, Л.Тимофеевым, М.Б.Храпченко, Н.Д.Тамарченко, В.Е.Хализевым, А.Б.Есиным².

В узбекском литературоведении жанр рассказ, художественное мастерство писателя, вопросы стиля, национального характера, конфликта, темы, идеи, образа, художественной детали изучены в монографиях, диссертационных работах и статьях М.Кушжанова, А.Алимухаммедова, С.Мамажонова, Н.Владимирова, Н.Каримова, С.Мирвалиева, У.Норматова, Й.Солижонова, Б.Назарова, Н.Рахимжонова, Х.Болтабоева, К.Йулдошева, Д.Куронова, С.Умирова, Ч.Ниятова, Х.Дустмухаммедова, Ш.Дониёровой, Г.Сатторовой, С.Комиловой, Ш.Одилова, М.Кучкаровой, П.Кенжаевой, С.Матякубовой, Ш.Сопиевой³.

² Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 502; Белинский В.Г. Собрание сочинений. Т. 3. – М., 1978. – С. 271; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – С. 406; Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М.: Высшая школа, 1971. – С. 118; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Писатель, 1975. – С. 407; Храпченко М.Б. Познание о литературе и искусстве. – М.: Наука, 1987. – С. 575; Тамарченко Н.Д. Теория литературы // Роды и жанры. – М.: ИМТИ РАН, 2003. – С. 288; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – С. 397; Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. – М.: Флинта-Наука, 2002. – 248 с.

³ Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. – Т.: Ўздабийнашр, 1962. – 201 б; Алимухаммедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида инсон образи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1948. – 151 б.; Владимирова Н.В. Ўзбек ҳикояларида ғоя ва образ. – Тошкент: Фан, 1969. – 136 б.; Владимирова Н. Развитие жанра рассказа в узбекской литературе: Дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1985. – 340 с; Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти таракқиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафқураси: филол фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 43 б; Мамажонов С. Услуб жилолари. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1992. – 219 б; Мирвалиев С. Наср, давр, қаҳрамон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 240 б; Норматов У. Основание тенденции развития современного рассказа (1956-1961): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1963; Норматов У. Насримиз уфқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 215 б; Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 112 б; Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – 228 б; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 224 б; Назаров Б., Раҳимжонов Н. Ўзбек совет ҳикоячилигининг жанр хусусиятлари / Адабий тур ва жанрлар. 3 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 29–108 б; Болтабоев Х. Наср ва услуб: услуб муаммосига назарий нигоҳ ва ҳозирги ўзбек насрида услубий изланишлар. – Тошкент: Фан, 1992. – 105 б; Йўлдошев Қ. Ўзбек совет сатирик ҳикоячилигида характер тасвири эволюцияси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1985. – 164 б; Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 288 б. Умиров С. Санъатнинг сеҳрли калити. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 99 б; Ниятов Ч. Ҳозирги ўзбек прозасида характер проблемаси. – Тошкент: Фан, 1984. – 128 б; Дўсмұхаммедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши. (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг

Творческое наследие Аскада Мухтара, в частности, его романы, повести, рассказы, художественная публицистика, поэзия исследованы в диссертациях, монографиях и статьях С.Мамажонов, М.Кушжонов, М.Шайхзоды, О.Тогаева, Н.Владимировой, М.Султоновой, О.Шарафиддинова, Н.Худойбергана, У.Норматова, А.Расулова, Н.Рахимжонов, П.Шермухаммедова, Б.Сайимова, А.Пантиелева, У.Носирова, Т.Хамидова, С.Ширинова, И.Хасанова, М.Бобоева, М.Герман, М.Иброхимова, З.Кедриной, А.Маъруфова, Т.Собирова, О.Собирова, Х.Ёкубова, Б.Гуломова, Ф.Насриддинова, Н.Рахмата, Б.Акрамова, А.Сабирдинова, У.Хамдамова, Т.Шермуродова, А.Эргашева, С.Муминовой, О.Журабоева, М.Кучкаровой⁴. Однако до настоящего времени

аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 136 б; Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадий-услубий ўзига хослиги: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1999. – 130 б; Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси: Филол. фан. номз. ... дисс... – Тошкент, 2002. – 136 б; Комилова С. XX аср охири – XXI аср бошлари рус ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри поэтикасининг ривож: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 92 б; Одилов Ш. Кейинги йиллар ўзбек ҳикояларида замондошимиз образи (70-80-йиллар): Филол. фан. номз ... дисс. – Тошкент, 1989. – 161 б; Қўчқорова М. Бадий сўз ва руҳият манзаралари. (Эссе, қисса, ҳикоя: тадқиқ ва талқин). – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 232 б; Қўчқорова М. “Ўтмишдан эртақлар” тадқиқи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 144 б; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 23 б; Матякубов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадий талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б; Сопиева Ш. Хайридин Султоннинг ҳикоянавислик маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 147 б.

⁴ Мамажонов С. “Ҳаётга қақирик” ҳикоялар тўплами ҳақида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1956. – №10. – Б. 114-117; Қўшжонов М. Конфликт ва маҳорат // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1962. – №3; Қўшжонов М. “Опа-сингиллар” романи ҳақида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1956. – №5; Шайхзода М. Оғир йўлларнинг тўғри киссаси (“Опа-сингиллар” ҳақида) // Қизил Ўзбекистон. – 1958, 20 апрель; Тогаев О. Аскад Мухтар (адабий портрет). – Тошкент: “Тошкент” бадий адабиёт нашриёти, 1966. – 148 б; Тогаев О. Адиблар ва жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б.303-351. Владимирова Н., Султонова М. Қаҳрамоннинг шаклланиши (А.Мухтар ва Ҳ.Ғулом прозаси материали асосида). – Тошкент: Фан, 1965. – 121 б; Шарафиддинов О. Ижоднинг катта йўлида / Истеъдод жилолари. – Тошкент, 1976. – Б. 155-182; Шарафиддинов О. Аскад Мухтар / XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б. 363-378; Худойбергана Н. Кашфиётлар йўлида. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 71-119; Худойбергана Н. Чўққилар чорлайди. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 111-116; Худойбергана Н. Сўз курашга чорлайди. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б. 222-228; Норматов У. Ҳаёт ва адабиётдаги янгиликлар // Ўзбекистон маданияти. – 1961 йил, 11 октябрь; Норматов У. Ёзувчи фалсафаси ва маҳорат // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1965. – №2; Норматов У. Қалбларга йўл топиб... // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1965. – №5; Расулов А. Танқидчилик уфқлари. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, - 1985. – Б. 13-135; Его же. Янги замон, янги қаҳрамон. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 3-64; Его же. Ўзбек совет прозасининг камоли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – Б. 21-72; Раҳимжонов Н. Аскад Мухтар поэтикаси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2003. – 72 б; Шермухаммедов П., Бегимқулов Д. Аскад Мухтар 60 ёшда. – Тошкент: Ёш гвардия, 1980. – 12 б; Сайимов Б. Аскад Мухтар прозаси. – Тошкент: Фан, 1969. – 198 б; Сайимов Аскад Мухтар / Ўзбек совет адабиёти тарихи. Кўп томлик. III том. – Тошкент, 1972. – Б. 252-285; Сайимов Б. “Туғилиш” романи / “Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари” 3-китоб. – Тошкент, 1961. –Б. 15; Пантиелев А. Материал ва бўёқлар. Ёзувчи Аскад Мухтарга хатлар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1952. – №8; Насиров У. Язык и стиль романа Аскада Мухтара «Сестры»: Дисс... канд.филол. наук. – Самарканд, 1967; Хамидов Т. Поэтические мастерство Аскада Мухтара: Дисс. ... канд.филол. наук. – Бухара, 1969; Эргашев А. С. Ривоят ва унинг бадий асар сюжет композицион тузилишидаги поэтик ўрни (Аскад Мухтарнинг “Чинор” ва О.Ёкубовнинг “Қўхна дунё” романлари асосида): Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Самарканд, 1993; Ширинов С. Образное изображение и индивидуальные стиль (по романам А.Мухтара) канд.филол. наук. – С.: 1974; Хасанов И.А. Реалистическое и романтическое в поэтике романов Аскада Мухтара: Дисс. ... канд.филол. наук. – Самарканд, 1985. – 171 с; Бобоев М. “Пўлат куювчи” поэмаси ҳақида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1948. – №3; Герман М. Ўзбек ёзувчиларининг асарлари чет тилларда // Ўзбекистон маданияти. – 1961 йил, 29 декабрь; Иброхимов М. “Туғилиш” // Ёш ленинчи. – 1961 йил, 17 август; Маъруфов А. “Опа-сингиллар”

новеллистическое мастерство Аскада Мухтара не были объектом монографического исследования. Монографическое исследование новеллистического мастерства писателя создает предпосылки для более совершенного и подробного освещения истории узбекской новеллистики XX века. Ибо, Аскад Мухтар – один из писателей, созданных отдельную литературную школу в истории узбекской новеллистики.

Связь исследования с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Тема исследования выполнена на основе проекта отдела Теории литературы Института узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз и научно-исследовательского плана Кокандского государственного педагогического института по направлению «Проблема совершенно развитого человека в узбекской литературе».

